

O'ZBEKISTON

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифига биноан Туркменистон Президенти Сапармурот Ниязов 19 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди

Тарихи ва маданияти чамбарчас боғланган, тили ва дини бир ўзбек ва туркман халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келди. Бу икки халқ тараққиёт даярларини ҳам, зулму истибод замонларини ҳам биргаликда бошдан кечирган.

Истиқлолга эришгандан кейин Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бир неча бор олий даражадаги учрашувлари ўтказилди. Бу саммитлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга интилаётган мамлакатларимизнинг янгича асосдаги муносабатларига тамал тошини қўйди ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Президент Сапармурот Ниязовнинг Ўзбекистонга 1997 йилдаги расмий ташрифи асосида Хива шаҳрида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулнинг ҳайкали очилган эди. Бу бир-бирининг ижодкорлиги асарларини таржимасиз ўқийдиган икки халқ маданий ҳаётида улкан воқеа бўлган.

Туркман элининг сардори бу сафар пойтахтга эмас, Бухорои шарифга ташриф буюрди. Бунда ҳам чуқур маъно бор. Маданий меросимиз сингари азиз-авлиёларимиз, муқаддас қадамжоларимиз умумий эҳтиромда.

19 ноябрь куни бу қадимий шаҳар аввал саммит мезбони — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни қутиб олди. Сўнгра Туркменистон раҳбари келди.

Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Анжуман Президентларнинг яқма-яқма муоҳабасидан бошланди. Ислам Каримов ва Сапармурот Ниязов Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигига доир масалаларни муокама қилдилар. Айрим суҳбатулини ишоратларидан ҳамкорликда фойдаланиш, Қўдудмоққонни ўзлаштириш истиқболлари, давлат chegarасини делимитация қилиш ва қўлаб бошқа масалалар қўриб чиқилди.

Президентлар минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизлик масалалари, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдилар.

Олий даражадаги бу учрашув Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ҳамкорлик йўлидаги интилишлари муштарак эканлигини кўрсатиши таъкидланиб, ушбу саммит икки томонлама муносабатлар ривожига янги босқични бошлаб беришига ишонч билдирилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги муокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари асосий эътиборда бўлди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда охиб бормоқда. Утган йили бу борадаги кўрсаткич 90 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида 146,5 миллион доллардан ошди.

Мамлакатларимиз ўртасида транзит юк ташишда ўзаро айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда охиб бормоқда. Утган йили бу борадаги кўрсаткич 90 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида 146,5 миллион доллардан ошди.

Мамлакатларимиз ўртасида транзит юк ташишда ўзаро айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда охиб бормоқда. Утган йили бу борадаги кўрсаткич 90 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида 146,5 миллион доллардан ошди.

Аслида қўндалик эҳтиж моллари билан ҳам яхши савдонинг йўлга қўйиш, қўшма корхоналар сонини қўлайитириш мумкин. Нефтни қайта ишлаш ва кимё санаяти, озиқ-овқат маҳсулотлари шулар сирасидан. Бу масала чуқурроқ таҳлил этилса, ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжуд эканлиги аён бўлади. Бу борадаги ҳаракатнинг ҳуқуқий таъминоти келса, сармоيارларнинг ўзаро муносабатлари ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, халқаро дарё, йўловчи ва юк ташиш алоқаси тўғрисида икки томон-

лама ҳужжатлар имзоланган. Иқтисодий ҳамкорликка оид йигирмадан зиёд ҳужжат мавжуд.

Муокарада тегишли вазирлик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланишнинг ва алоқаларни кенгайтиришнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш вазифаларини топиришга келишиб олинди.

Иқтисодий соҳадagi алоқаларнинг ҳам ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам. У маданият, таълим, сайёҳлик каби қатор соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда туркманлар, Туркменистонда ўзбеклар истикомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари қўла-қўлалик, қариндошлик ришталари билан мустаҳкам боғлангани ҳам иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда қатор маҳаллий ҳамда мамлакат миқёсидаги туркман миллий маданият маркази ишлаб турибди. Дарслар туркман тилида ҳам олиб бориладиган 66 мактабда 16 минг бола таълим олмақда.

Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама мустаҳкамланган. Икки ўртада жами юздан зиёд ҳужжат қабул қилинган. Улар орасида ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари ақс эттирилган Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома асосий урин тутди. Ўзбекистон ва Туркменистон илм-фан, техника ва ахборот соҳаларида, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бўйича ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга оид келишувларга ҳам эришган.

Давр тақозо қилган ўзгаришларга ўз вақтида ва тўғри ёндашиш Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларда яхши таомилга айланган. Ислам Каримов ва Сапармурот Ниязов Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома, фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларидagi яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган ҳўжалик объектларида хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон — Туркменистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга имзо чекдилар.

Муокаралар якунида ўзлашган матбуот анжуманида Президентлар Ўзбекистон-Туркменистон чегараси дўстлик ва тинчлик чегараси эканлигини, саммит давомида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида узок муддатли ҳамкорликни барча йўналишларда кенг ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Мазкур учрашув икки мамлакат ўртасида баҳсли масалалар, ўзаро муносабатларда томонларни ташвишга соладиган муаммолар йўқлигини кўрсатди.

Сапармурот Ниязов Туркменистон Ўзбекистон учун яхши кўшни бўлган ва доимо шундай бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидлади. Ислам Каримов «ўзоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши» деган ўзбек мақолини тилга олиб, муносабатлар шу асосда ривожланаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Сапармурот Ниязовга Асака шаҳридаги «ЎЗДУОУ» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Ласетти» автомобильни совға қилди.

Расмий тадбирлар ниҳоясига етганидан кейин Ислам Каримов ва Сапармурот Ниязов Баҳоуддин Нақшбанд мажмуини зиёрат қилдилар.

Олий мартабали меҳмон мазкур мажмуанинг бунёд этилиш тарихи, мамлакатимизда буюк аждодлар хотирасини тиклаш ва уларнинг меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

Сапармурот Ниязов халқларимизнинг миллий-маданий қадриятлари бир-бири учун гоат эъзозли эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбарининг бу борадаги сайёҳаракатларига юксак баҳо берди.

Шу билан Туркменистон Президенти Сапармурот Ниязовнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
Илҳом САФАРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 20-NOYABR ■ SHANBA ■ 138 (27.313) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

кам даромадли, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар, ишсиз ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди

Иқтидорли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи

ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯСИ СОВРИНДОРИ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар маркази қарори билан 11 нафар: иқтидорли талаба ва магистр турли таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-2005 ўқув йилидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Улар орасида иқтидорли ёш олим, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети магистри Шарофжон Худойбердиев ҳам бор.

У Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги лицейни тугатган. Ўқиб жараёнида Шарофжон Германия ва Туркменистонда ўтказилган халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, бронза медалини қўлга киритди.

Ушунда қўлаб мамлакатлардан ташриф буюрган мутахассислар бу ёш истеъдоднинг билим қўбилигига юксак баҳо берган эдилар. Шарофжоннинг халқаро олимпиадалардаги ютуғи ҳисобга олиниб, СамДУнинг биология факультетига имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилинади.

Шарофжон Худойбердиев 2000-2001 Улугбек, 2002-2003 ўқув йилида эса Беруний номидаги Давлат стипендияларига сазовор бўлган. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини билан тақдирланган.

Талабалик даврида бир неча илмий тадқиқотлари эълон қилинган Шарофжонни устозлари биотехнология йўналиши бўйича магистратурага тавсия қилдилар. Шу кунларда магистрлик диссертацияси устидан изланиш олиб бормоқда. У танлаган мавзу «Бугдой патогенларини тупроқ микроорганизмлари ёрдамида биологик назорат қилиш»дир. Шарофжоннинг ўнга яқин илмий мақолалари журнал ва тўпламларда чоп этилган. У рус, инглиз ва турк тилларини яхши билади.

Эндигина 23 ёшни қаршилаган Шарофжон Худойбердиевнинг эришган ютуқларини қўриб, мустақил мамлакатимизда Юртбошимиз орзу қилган баркамол, билимли, истеъдодли ёшлар улғаяётганига яна бир марта ишонч ҳосил қиласан киши.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Шавкат АКРАМОВ олган сурат



ТОМАС КУНЦЕ:

«МЕН МАМЛАКАТНИНГ ЮКСАЛАЁТГАНИНИ КУЗАТДИМ»

Германиянинг Конрад Аденауэр номи жамғармаси ўн йилдан буён Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб келмоқда. Сўнгги икки ярим йил мобайнида унинг минтақадаги фаолиятини Томас Кунце бошқарди. Доктор Томас Кунценнинг Тошкентдаги хизмат фаолияти ниҳоясига етиши муносабати билан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири унга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Жаноб Томас Кунце, сизни янги вазифага тайинланганингиз муносабати билан қўлаш ва шу билан бирга Ўзбекистондан жўнаб кетаётганингизни афсус билан таъкидлашга ижозат бергайсиз...

— Раҳмат. Мен ушбу имкониятдан фойдаланиб, Аденауэр

жамғармасининг республикада муваффақиятли ва самарали иш олиб бориши учун яратиб берилган қўлай шарт-шароит учун Ўзбекистон ҳўкуматига яна бир бор ўз миннатдорлигини изҳор қилмоқчиман. Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистондаги фаолиятимизнинг илк юби-

лейи тантанасида иштирок этиш учун Тошкентга ташриф буюрган жамғарма вице-президенти, собиқ федерал вазир Антон Пфайфер ҳам бунга катта ургу берган эди. Аденауэр жамғармаси келгусида ҳам ҳар қандай даражада мамлакатимизни қўлаб-қувватловчи ҳақиқий дўст бўлиб қолади. Менинг ўрнимга келадиган киши ҳам ушбу дўстликни янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишига ишончим комил.

3-БЕТ

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ
ҚАНДАЙ БЎЛИШИ,
ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ,
ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ
КАФОЛАТИ БУГУН
БИЗ КИМГА ОВОЗ
БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ



«МУРУВВАТ» ПОЕЗДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, республика Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Россия» ширинликлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхонаси, «Нестле» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, «Тон» акциядорлик жамияти, «Ўзметвасабзотузумсаноатхолдин» ва «Совпластитал» қўшма корхонаси томонидан уюштирилган, қиймати 50 миллион сўмлик дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечаклар жўнатилди.

— Хайрия ёрдамини юборишдан мақсад — Оролбўйида яшовчи аҳолининг саломатлигини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда ногиронлар, боқувчисиз қолганлар ва кўп болалик оилаларга баҳоли қудрат кўмаклашишдир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Алишер РЎЗИЕВ

ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси ташаббуси билан пойтахтдаги «Дедеман Силк Роуд» меҳмонхонасида иккинчи Халқаро таълим кўргазмаси очилди. Халқаро алмашув дастури билан қизиқувчи мактаб ўқувчилари, университет талабалари, ўқитувчилари хорижий мамлакатларда мавжуд таълим олиш имкониятлари ҳақида кенг маълумот олдилар. Кўргазмада Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган йи-

гирмадан ортик элчихона, таълим масканлари ва халқаро ташкилотлар ўзларининг таълим алмашув дастурлари билан қатнашдилар. Таълим кўргазмаси 15-19 ноябрь кунлари бутун дунёда нишонланган Халқаро таълим ҳафтаси лойиҳасининг бир қисmidир. Республикаимизнинг бир қатор вилоятларида Халқаро таълим алмашуви бағишланган 20 дан ортик тадбирлар бўлиб ўтди.

— Халқаро таълим туфайли вужудга келадиган касбий ҳамкорлик ва дўстлик мамлакатлар орасида узок давом этувчи ҳамкорликка асос бўлади, — деб таъкидлади АҚШ элчихонаси раҳбари муовини Дэвид Эпплтон. — Таълим кўргазмаси халқаро миқёсда таълим олишни истаганларга алмашув дастурлари ҳақида маълумот олишга имкон беради.

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANKORI

Тел: 132-25-51, 133-46-61, Факс: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!

Тел: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Факс: 136-76-22
WWW.alobank.uz E-mail: info@alobank.uz

Хизматлар лицензияланган

Биз билган ва билмаган тарих

Мамлакатимизда икки палатали парламент тузиш ғояси 2000 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг II сессиясида биринчи марта илгари сурган эди. Ушунда жамоатчилик ўртасида бу ғоя кенг тарқаб турли фикр-мулоҳазалар уйғотган эди.

Тадқиқотчи Ш.Қудратхўжаев ёзишича, Англияда парламент XIII асрда вужудга келиб, XIV асрда ўзининг иккита (юқори ва қуйи) палатага бўлинган ҳолдаги фаолиятини бошлаган. Худди ўша XIII асрда Францияда Париж парламенти шаклланган. Урта асрлардан бошлаб Ғарбий Европада илк парламентлар вужудга кела бошлаган. Парламентаризм кўп қиррали универсал ҳодиса бўлиб, ҳар бир мамлакатда ўзига хос кўринишга эгадир. Чиндан ҳам Шарқ мамлакатларида бу ўзига хос тарзда намоён бўлиб халқимизнинг «Кенгашган тўн тор келмас», «Кенгашган тўн тарқамас» каби нақлларида ўзифодасини топган.

оқибатда надомат чекиб пуншаймон бўлмагансан». Ана шунга кўра соҳибқирон ўзининг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида ўзи ёзганидек «давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат» билан бажо келтирилди.

«Тажрибамдан маълум бўлдики, — деган эди Амир Темур, — кенгаш икки турли бўлур: бири — тил учида айтилгани, иккинчиси юракдан чиққани» Соҳибқирон ўз фаолиятида насл-насаби тоза ва софдил 313 кишига суяниб иш қилганига ургу беради. Улар амирлик рутбасида бўлиб, замонамиз тилида айтсак, ўзига хос «депутат ва сенаторлар» вазифасини бажаришган.

Парламент тарихи ҳақида сўз юритган тадқиқотчи Ш.Қудратхўжаев XVI-XIX асрлардаги вазиятга тўхталиб нади. Туркистонда парламент ташкил қилиш масаласи ҳам кун тартибига қўйлади.

Шундай қилиб, 1917 йил 28 ноябрда биринчи парламент сайланди. 32 кишидан иборат бу парламент Туркистон халқ (миллий) мажлиси деб аталди. Парламент ҳужжатларида «Туркистон ўлкасида яшовчи барча халқлар умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш асосида беш йил муддатга мажбурий пропорционал ваколатга эга бўлган ҳолда» сайланади, деб таъкидланган эди.

Сайловлар тўғрисида саволларизм борми?

САЙЛОВДА БАРЧАНИНГ ҲУҚУҚИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Бугунги саволларимизга Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати ходими Дилором ХОЛМАТОВА жавоб беради.

«Кўгина фуқароларимиз айрим сабабларга кўра, бугунги кунда хорижий мамлакатларда истиқомат қилмоқдалар. Улар сайловда қатнашиш учун Ўзбекистонга келиб кетадиган бўлса, жуда қимматга тушиб кетмайдими? Ўзи улар бу сайловларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрумми? Адиба БОТИРОВА, Самарқанд шаҳри»

— Йўқ, ундай эмас. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда 15 мингга яқин фуқароларимиз турли сабабларга кўра хорижда яшамоқдалар. Уларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 40 та сайлов участкаси ташкил этилди. Улар шу участкалар орқали сайловда овоз беришда иштирок этишлари мумкин.

«Ўтган сайловларда депутатликка номзодлар билан учрашган эдик. Ҳозир юртимизда сайлов кампанияси бошланган. Лекин негадир номзодлардан дарак йўқ?» Фарҳод ХУҲАЕВ, Бухоро вилояти, Вобкент тумани»

— Тўғри, сайлов кампанияси 20 сентябрдан эътиборан бошланган. Лекин тарғибот-ташвиқот ишлари депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингандан сўнг бошланади. Марказий сайлов комиссиясининг ҳарқат дастурига асосан кейинги ҳафтадан депутатликка номзодлар ўз тарғибот ишларини бошлайдилар.

«Бугунги кунда мамлакатимизда қанча сайловчи бор? Назокат УМАРОВА, Тошкент шаҳри»

— Айни кунлардаги ҳисоб-китобларга қараганда, 14 миллион уч юз қирқ мингдан зиёд сайловчи бор. Лекин, 26 декабрга қадар 18 ёшга туладиган ёшларимиз ҳисобидан уларнинг сони маълум миқдорда кўпайиши мумкин. Ҳозир бунинг аниқ ҳисоб-китоблари юритилмоқда.

ҚОРАКЎЛДА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида тиббиётга ҳавасманд ёшларнинг азалий орзулари ушалди. Қисқа фурсатда замонавий тиббиёт коллежи биноси қад ростлади.

— Мазкур коллежи қуриш бўйича ўтказилган тендерда ғолиб чиққандик, — дейди «20-трест» ҳиссасдорлик жамияти 3-вакиллик қорхонаси раҳбари Ортинқ Ақбаров. — Бугунгача мажмуада 1 миллиард 262 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, уни фойдаланишга топширдик. Эрта-индин фарзандларимиз бу ерда тиббиёт сирларини эгаллаб, малакали ҳамшира бўлиб етишади.

Бу ишоот мейморий ечими, яратилган қулайликлари билан бошқа коллежлардан ажралиб туради.

Деврон БАХРОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири



СЕРЖАНТЛАР МАКТАБИДАГИ ТАНТАНАЛАР

Чортоқ туманидаги сержантлар тайёрлаш мактабиде битирувчи деган юксак номга сазовор бўлган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий маҳоратини изчил амалга ошириб боришда бугунги кунда хизмат қилаётган ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарлик, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, руҳий-маънавий етуқлик талаб этилишини таъкидладилар.

Суратларда: сержантлар тайёрлаш мактаби битирувчиларни тантанали кузатиш маросимидан лавҳалар.

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

Акс-садо

АЙБДОР АСЛИДА ЎЗИМИЗ

Газетамизнинг 11 ноябрь сониде Шарофат Йўлдошеванин «Кўз ташвишлари» сарлавҳали мақоласи эълон қилинганди. Унда жойларда тўплаган қалаётган ҳазонлар ва чиқиндиларни ёқиб оқибатда ҳаво захарланаётгани, бу ҳол қатор касалликларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида мутахассислар фикрлари эълон қилинганди.

Ушбу мақолада кўтарилган муаммоларга газетқонлар, мутахассислар ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Танамиздаги ҳар бир ҳужайранин фаолияти кислород билан нечоғли тўйинганлиги ва у билан бирга организмга кирувчи захарли моддалар миқдорига боғлиқ.

Ўз замонасида буюк табиб ва аллома Ибн Сино ҳам яхши ҳавога шундай таъриф берган: «Моддаси билан яхши ҳаво ҳеч бир буг ва тугун каби ёт нарсалар аралашмаган осмон тағидаги очик ҳаводир, у девор ва томлар индида беқилин ҳавога нисбатан бузилиши ўзига теғроз қабул қилади. Бошқа ҳолатларда очик ҳаво яхшироқдир».

Бирок, бугунги кунда атмосферага тонналар ажратилаётган захарли газлар нафақат инсондаги турли касалликларнинг кўпайиб ва яшариб боришига, балки наслига ҳам ўз салбий таъсирини қўрсатади.

ПАРЛАМЕНТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ, ТАРАҚҚИЁТИ. ДУНЁДА ВА БИЗДА

Юртимизда парламентаризм ғоялари Европада анча илгари IX-XI асрларда яшаган қумсий олимлар Форобий, Ибн Сино, Беруний ва Низомулмулк асарларида берилганини алоҳида кўриш лозим. Низомулмулкнинг «Сибсатнома»сида шундай фикрлар бор: «Бир кишининг тадбири бир кишичалик кучга эга, ўн кишининг тадбири ўн та мард кучига тенгдир ва қанча кўп бўлса, шунча яхшидир. Машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишининг натижаси яхши бўлмайди». XIV аср маҳсули бўлган «Темур тузуқлари» эса ана шундай ғояларни янада чуқурроқ ва кенгроқ ўзиде намоён этади. XIV асрда яшаган улуг шайхлардан Зайниддин Абуабкар Тойабодий Амир Темурга ёзган дастурий хатида шундай деган: «Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қили: 1) кенгаш, 2) машварат маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган ҳоҳин одамга қиёс қилиш мумкин; унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пуншаймонлик ва надомат келтирар. Шундай экан, салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи

мазахба бошқаларга нисбатан ҳукумат томонидан имтиёзлар» берилмаслиги алоҳида қайд этилади.

Биринчи истиқлол ҳукумати — Туркистон мухторияти ва унинг парламентиға доир ҳужжатлар 1917 йил матбуотида кенг ёритилди. Хусусан, «Улуг Туркистон» газетасининг 30 сентябрь сониде эълон қилинган ҳужжатлар диққатга сазовордир. Унинг матнидаги баъзи қоидаларга эътибор беринг:

«Туркистон федерациясида ички бошқарув ва ўз-ўзини бошқариш бўйича барча қонуний ҳокимият Туркистон парламенти томонидан амалга оширилади. Парламент ўлкада яшовчи барча миллат ва эллатлар тенг иштироки асосида умумий, бевосита, тенг ва яширин овоз билан 5 йил муддатга сайланади...

Туркистон федерациясида амалий идорани барча соҳалар бўйича парламент сайлайдиган ва жумҳурият ҳукумати тасдиқловчи махус котибот (секретариат) амалга оширади.

Котибот ўз фаолиятиға Туркистон федератив парламенти олдида жавобгар.

Тошкент шаҳрида «Маҳқамаи жария» деб номланувчи қонун палатаси таъсис этилади. У олий адлия маҳқама-си бўлиб барча ҳукумат идоралари ва барча мансабдор

она тилида ҳам, рус тилида ҳам эркин сўзлаш оладиган, тахрир қиладиган, шариятни билладиган, жаҳон сиёсий шароитини тушунадиган кишилар дарҳол керак. Улар Туркистоннинг ҳаётий манфаатларини ҳисобга олиб, биз учун зарур қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқариш лозим. Агар биз, мусулмонлар бу ишни ўзимиз қилмасак, руслар бизнинг ўрниниға қонунлар чиқарида. Улар худди аввалгидек бизнинг дин ва ҳаётимизға мувофиқ келмайди... Биз қабул қиладиган қонунлар яхудиёларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам умуман, барчанинг манфаатини ҳисоба қилиши керак» («Улуг Туркистон», 1917 йил 12 июль)

Парламент, сенат тузишга оид масалалар билан Туркистоннинг олий маълумотли қонуншунослари Тошўлутбек Норбўтабеков (Петербург университети юридик факультетини битирган), Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (Саратов университети ҳуқуқшунослик факультетини 1913 йилда битирган), Ислам Султон Шоҳамедов (ҳуқуқшунос), Мустафо Чўқаев (ҳуқуқшунос), Соломон Герцфельд (ҳуқуқшунос), Абдураҳмон Ҳўраезов (ҳуқуқшунос) ва таниқли мударрис, журналистлардан Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Аб-


«Биз ҳавода ишловчи машина... ва бу ҳаво босими остида ишлайдиган динамик насосдан фойдаланар эканмиз, биз тирикмиз». Палъ БРЭГГ, америкалик олим, физиотерапевт

Агар бу ҳолат шу тарзда давом этса, 10 йилдан сўнг озон концентрацияси 5% га камайиб, кўёш радиациясининг ўтказилиши 26% га ошади, карбонат ангидрид (СО₂) газининг ҳавода кўпайиши конотимизда иссиқлик оқимининг ошишиға, бу эса океан ва денгизлардаги сув сатҳининг 86 м.ға кўтарилишиға олиб келади...

Сўнги йилларда сайёрамиздаги сув тошқинлари, ўрмон ёнғинлари, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилишлари ва бошқа экологик таҳдидлар юқоридаги оғохлантиришни тасдиқлайди.

Инсон ўзи учун истаган қонун белгилаши мумкин, бирок табиат учун бу қонунлар ҳеч бир қийматга эга эмас, аксинча, унинг қонунига бўйсунмишимиз шарт, ақ ҳолда табиат томонидан аёвсиз жазоланамиз. Буни эса «табиий офат» деб эмас, балки табиатта муносабатимиз, унинг қонунларига итоатсизлигимиз ёки «инсон офати» деб аташ тўғрироқ бўларди.

Дилфуза БОЗОРОВА, шифокор-аспирант



АНДИЖОНДА БУЮМ БОЗОРИ

Қурилиш штаби масъул навбатчиларидан бири билан илгари қаердадир учрашган эдик.

— Ўзларингиз иссиқ кўринади, — дедик унда тикилиб.

— Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, — деди у киши. — Вилоятимиз худудидаги адирликларни ўзлаштириш ва сув чиқариш авжига чиққан 70-йилларда қуришганимиз. «Бахт» насос станцияси қурилишини эсладингизми?

— Э-ҳа, бўлди, бўлди, — Қобилжон Нишонов бўласиз, ирригатор...

Қобилжон асли Хақан қишлоғидан. Вилоят қурилиш ташкилотларида кўп йиллар муҳандислик қилган. «Оби-ҳаёт», «Бахт», «Қадим», «Райиш-Хақан» насос станциялари қурилишларида унинг муносиб ҳиссаси бор. Ўттиз йилдан ошдики, бу ишоотлар вилот экинзорларини сув

билан таъминлашда асқотиб келмоқда.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг Андижонга қилган ташири ва нутқи менда катта таассурот қолдирган, — дейди Қобилжон. — Меҳнатқашларнинг турмуш даражасини ошириш ва яшаш тарзини яхшилаш борасида берган тавсияларидан сўнг уйда тинч ўтироладим. Ҳозир бу ерда — эски «Ўзум» бозори ўрамида буюм бозори қураямиз. Кўрасиз, у битган эски шаҳар гул-гул очилиб кетади...

Мазкур суҳбатимиз шу йилнинг июль ойлари ўрталарида бўлиб ўтганди. Шундан сўнг кўп ўтмай, аниқроғи мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида бозор ишга тушди.

Дарвоқе, Эски шаҳар Андижон халқи ҳаётининг узоқ тарихини ўзида мўжасамлаштирган бетакор худуд. Авлод-аждодаларимизнинг ҳосиятли қадамлари

унинг кўчаларига барака ато этганки, тарихий қадриятларимиз эпикларни бу ерда кўпроқ кўзга ташланади. Уни тартибга солиш, асраш, яшартириш ва мамлакатимизнинг аҳолий дилдорлар жойига айлантириш тўғрисида шахсан Юртбошимиз тавсияси қўл келди. «Андижонқурилиш» бошқармаси (бош бурдатчи) қурилиш-монтаж ишларига бошқоқ бўлди. «Андижонқурилиш», «Андижонқурилиш», «Андижонқурилиш» ҳиссасдорлик жамиятларининг тажрибали қурувчилари шу ерда ишлайди. Улар тиклаган 350 дан ортқ савдо дўкони ва 500 ўринли расталарга эга буюм бозори бугун эл-юрт хизматида.

Маҳмуджон ИБОВ «Андижоннома» газетаси бўлим мудири

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мамлакатимизда фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Истиқлол барча ватандошларимизга озод ва эркин яшаш бахтини берди. Давлатимиз мустақилликка эришиб энг биринчи қабул қилган қонунларимиз — бу Асосий қонун — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлди. Унда инсон қадри юксакларга кўтарилди.

Энг асосийси, инсон — жамиятнинг гултожиги айланади бормоқда. Асосий қонунимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қўллаб-қувватланди. Унинг 43-моддасида «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» дейилади. Юртодошларимиз ҳуқуқ ва эркинликларининг бундай юксак меъёрга белгилашни «Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси» гоёларига мос келди.

2002 йил 13 декабрда «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида» янги тахриридаги қонун қабул қилинди. Бу қонун фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларга муносабатларига доир муносабатларни тартибга солишда катта аҳамият касб этмоқда. Қолаверса,

моддасида «Фуқароларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига муносабат этганликлари учун таъқиб қилиш ман этилади» дейилган.

ИНСОН ШАЪНИ МУҚАДДАС

Собиқ иттифок даврида ҳақиқатини ёзиб, юқори тақимотга муносабат қилган фуқаро таъқиб остига олинар эди. Энди эса давлат органига муносабат қилган фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланади. 2001 йил 29 августда янги тахрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган. Масалан, Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида, яшовчи фуқаро В.Бейер уйд-жойсиз қолгани тўғрисида вилоят прокуратурасига муносабат қилади.

Унинг аризаси вилоят прокуратурасида ўрганиб чиқилгандан кейин у Оҳангарон шаҳридаги «Саҳоват» меҳрибонлик уйига жойлаштирилган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Прокуратура органлари «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги талаби. 2004 йилнинг олти ойи давомида фуқароларнинг муносабати туфайли 6 миллиард сўмдан ортиқ иш ҳақлари ундириб берилди. Судларга ишчиларнинг манфаатини кўзлаб 16,5 миллиард сўмлик 5628 та ариза киритилган. Бу рақамлар остида ёрдамга

Қонун ва фуқаро ҳуқуқи

жаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси оммавий ахборот воситаларига фуқароларнинг муносабати бағишланган. «Фуқароларнинг давлат органлари газеталар, журналлар, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари тахриратлари орқали келиб тушган муносабатлари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади» дейилган. Бугунги кунда республикада мингга яқин газета ва журнал, 60 га яқин телерадиостанциялар фаолият кўрсатаётган. Уларга ҳар қун минглаб юртодошларимиз ариза, тақлиф ёки шикоят билан муносабат қилади. Айрим тахриратларда фуқароларнинг муносабатлари билан шугулланадиган «хатлар ва шикоятлар» бўлимлари фаолият кўрсатапти. Масалан, «Правда Востока» газетасининг 16 февраль сонида дўрмонлик муштарийларнинг «Отделение связи... без связи» мақоласи чоп этилган эди. Унда Қибрай туманидаги Мусамухамедов номи ширкат ҳўжалигида телефон тармоғи ишламаётгани таниқ қилинади. Мақола чоп этилгач, «Тошкент почтаси» очик турдаги АЖ директори

ТЎФОН ТУФАЙЛИ



Поляда рўй берган тўфон оқибатида 7 киши ҳалок бўлди, 9 нафари яраланди. Мамлакатни электр қуввати билан таъминловчи тармоқлар ишдан чиққан. Поляшани Поморье вилоятида шамол тезлиги соатига 126 километрни ташкил этган. Бунинг оқибатида вилоятнинг 20 миң аҳолиси электр қувватисиз қолди.

ТУЛКИ ОВИГА ҚАРШИ



Британия парламенти тулки овини тақиқловчи қонунни Лордлар палатаси эътирозига қарамай қабул қилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши қиролчица Елизавета II Иккинчи томонидан қўллаб-қувватланди. Британияда аънаанага айланган тулки ови янги қонунга қўра, 2005 йилдан эътиборан ноқонуний ҳисобланади.

ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Чехия 140 йил давомида мавжуд бўлган умумий ҳарбий мажбуриятни бекор қилди. Мамлакат президенти Вацлав Клаус 18 ноябрь куни Чехия қуроли кучлари фақатгина профессионал асосда шаклланишни кузда тутувчи қонунга қўл қўйди. Бундан ташқари мамлакатда муқобил хизмат ҳам бекор қилинди.



ТОМАС КУНЦЕ:

«МЕН МАМЛАКАТНИНГ ЮКСАЛАЁТГАНИНИ КУЗАТДИМ»

(Давоми. Боши 1-бетда.) — Тошкент билан хайрлашаётганингиздан афсусланмайми? — Ўзбекистон менинг иккинчи ватанимга айланди, десам ҳам бўлади. Бу ерда мен ўзимни худди ўз уйимдагидек ҳис этаман. Ўзбекистонликларнинг меҳмондўстлиги ва очик кўнгилчилиги менга жуда ёқди. Ўзбек халқининг ростқўй, оғир — босиқ ва мулоҳаза билан иш юритиш фазилатлари бизнинг ишимизда жуда асосли бўлди. Аденauer жағмарасининг фаолияти турли ижтимоий соҳа қатламларига йўналтирилган бўлиб, хотин-қизлар ва ёшлар, ишбилармонлар ва журналистлар, сиёсий партиялар ва ўзини-ўзи бошқариш жамоат органлари билан иш олиб боришдан иборатдир. Сўнгги йиллар давомида суд-ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш борасида кўп иш қилинди. Ўзбекистоннинг мансабдор шахслари билан ҳамкорлик қилиш ўзаро ишони ва яратувчанлик руҳида кечди. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, иш давомида юзага келган баъзи бир муаммоларга нисбатан ўз

ЯНГИ ТАРКИБ ТАСДИҚЛАНДИ

Европа парламенти унинг раиси Жозе Мануэль Баррозу томонидан тавсия этилган Европа комиссиясининг янги таркибини тасдиқлади. Бундан олдин Европа парламенти аъзолари аёллар ҳуқуқи ва бекорлик бўлиши борасида консерватив фикрларни билдирган италиялик Рокко Буттильонени комиссияга киритишга қарши эканликларини билдиришганди. Шунинг учун ҳам комиссиянинг янги таркиби тасдиқланмай қолганди.



қайд этиш лозим. Ўзбекистоннинг профессионал парламент яратилишида ҳеч бир салбий нарсани кўрмаймман. Қолаверса, бундай парламент ўз динамикаси бўйича ривожлана бошлади. Мантқан олиб қаралдиган бўлса, унинг фаолияти муқаррар равишда турли блоклар ва фракциялар турмушдек, муҳолифатчиларнинг шаклланишига олиб келади. Умуман олганда мамлакатта демократияни бирдигани олиб келиб бўлмайди. Бу жараён босқичма босқич амалга оширилиши керак. — Сиз Аденauer жағмарасининг Россиядаги ваколатхонасига раҳбар этиб тайинландингиз... — Тошкентда олган тахриба Москвада менга жуда асосли. Барча ўзига хос ва фарқли жихатларига қарамадан собиқ совет мамлакатлари бир-бирига жуда ўхшаш, уларнинг муаммолари ҳам бир хил. Яна бир нарсаси, Москвада менга ва рафиқага Ўзбекистон пойтахтида орттирган Абдулла, Сайёра, Сергей, Ражаб каби кўплаб дўстларимиз етишмайди... Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА

АҚШ ОГОҲЛАНТИРУВИ

Президент Жорж Буш маъмурияти Украинада ўтказилаётган сайловлар демократия андозаларига мос тушмаслиги сабабли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида Украина раҳбариятини огоҳлантирди. — АҚШ Украинанинг Евроатлантика ҳамжамиятига қўшилиш ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, бу эса умумий кадриятларга итоат этишни талаб қилади, — дейлади Оқ уй матбуот котиби Скотт Маклелланнинг баёнотида.



Шифокор билан суҳбат

Куз мавсумининг ўзига хос қувонч-ташвишлари бор. Халқ тили билан айтганда «сарик» касали, юқумли гепатит куз, баҳор ойларида кўпаяди. Лекин кейинги кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, болалар йилнинг тўртта фаслида ҳам бу хасталикка чалинапти. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 2 миллиондан ортиқ одам юқумли гепатит билан оғриydi. Республикаимизда 2003 йилда 35.981 киши (шундан 26.298 нафари болалар) бу хасталикка чалинган. Хўш, бу йил аҳвол қандай? Сарикдан қандай сақланиш мумкин? Бугунги кунда бу муаммо барчани ташвишга соляпти. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси 2-болалар юқумли касалликлар шифохонаси бош ҳақими, тиббиёт фанлари доктори Малика ХўЖАЕВА билан суҳбатимиз шу ҳақда.

«САРИҚ» ДАН САҚЛАНИНГ

— Малика Одилевна, болаларни юқумли гепатит касаллигиндан қандай асраш мумкин? — Аввало, ота-оналар касалликнинг пайдо бўлиш сабабларини билиши шарт. Юқумли гепатит носоголм турмуш тарзи, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экологиянинг бузилиши, ичимлик сувининг ифлосланиши, шахсий гигиенага риоя қилмаслик орқали бола организмига юқиши мумкин. Маълумки, вирусология фанига юқумли гепатитнинг А, В, С, Д, Е турлари маълум бўлса, кейинги пайтда яна янги 2-3 хил турлари пайдо бўляпти. Юқумли гепатитга қараб, касаллик икки хилга бўлинади: А ва Е гуруҳи ифлос сув ва беморнинг идишлари орқали соғлом одамга ўтса, иккинчи тур — В, С, Д гуруҳи бўлса кон орқали, яъни беморга қўлланган шприц ва бошқа тиббий асбоблардан қондан тайёрланган дори-дармонлардан ўтади. Турларига қараб касалликнинг асоратлари ҳам ҳар хил. — Нега болалар орасида касаллик кўзда кўпаяпти? — Мана тасаввур қилинг, болалар ёз бўйи таътилда бўлишди, сентябрда мактабга қайтди, 35-40 нафари бир синфда ўтирди. Биттасига вирус оққан бўлса, касалликнинг инкубацион (ривожланиши) даври (20-40 кун) ўтгач, юзага чиқди, баъзи ҳолларда тери сарғаймасдан гепатит энгил, яширин ҳолатда кечмиши мумкин. Айниқса, бемор болада бошқа ёндош касалликлар бўлса, хасталик янаям оғир ўтади. Вирусология тадқиқотларга кўра, минтақамизда яшовчи 8-10 ёшли болаларнинг 90 фоизиди гепатитга қарши иммунитет бормаслиги аниқланган. Лекин бу «тегилтига чидамли» дегани эмас. Мамлакатимизда 560-буйруқнинг иккинчи бандига кўра, бемор болани уйда даволаш мумкин дейилган. Мутахассис сифатида айтишим лозим, бу банд бироз шовиб тайёрланган, хали биз бунга тайёр эмасмиз. Ҳозир бизда гепатит А, В турларининг олдин олувчи вакциналар бор. Уч йилдан буён 9 ёшга булган болаларни касалликнинг В турига қарши эмляялмиз. Ота-оналар уй шароитидаги муолажа қўтилган натижа бермаслигини тушуниб етишлари керак. Пархез фарзандимизни оч қолдириш дегани эмас. Пархез дегани вақтида меърий мева, энгил хазм бўладиган

спорт билан шугуллантириш керак. Мутахассис сифатида бундай нохуш ҳолат мени қаттиқ ташвишга солади. Шу ўринда тақлимнинг айтмоқчиман, ота-оналар ҳар янги ўқув йили олдин фарзандларини мутахассис шифокор текширувидан ўтказсалар, мактаб ҳамшираси эса ўқувчиларнинг соғлиғи ҳақидаги маълумотномани назоратга олса мақсадга мувофиқ бўларди. Биз бу билан ўз боламизнинггина эмас, балки бутун болалар саломатлигини сақлаган бўламиз. — Агар айтиш мумкин бўлса, ҳозир «гепатит мавсуми» кетаяпти. Баъзи ота-

оқатдан оз-оздан) овқатланиш дегани. Шунингдек, твороғ, қатик, қовоқ, тарвуз, мевалар, дармон-дорига бой қўқатларимиз доим дастурхонимизда бўлиши керак. Таклифим шуки, ойига 2-3 кун оилавий пархез тутишни тавсия этаман. Биз одатда кечқурун, кўпол бўлса ятай, бўқиб овқатланамиз. Унинг ўрнига пархездаги фарзандимизга «шерик» бўлишимиз мумкин-ку. Бу ҳар бир организмда гепатитга қарши «тозалаш», профилактика дегани. Афсуски, биз кейинги пайтда туркона даволашни унутиб юборялмиз. Биламизки, жигарга гликеген моддаси керак, лекин новот унинг қони эканини кўпда ҳисобга олмаймиз. Фарзандимизга шаккар ўрнига новот берайлик. Болангиз, оила аъзоларингиз жисмонан соғлом бўлишини истасангиз, йил бўйи қўқат истеъом қилинг, қизил сабзи, қарам, лавлаги, олма, узум, олқўри, жийда едиринг. Минг афсус билан айтмоқчиман, ҳозир ҳаммамиз мева концентратлари, хорижда тайёрланган шартбаларга рўж қўяялмиз. Лекин табиий мева-чеваларимизнинг минг дардга даволиги эсимизга келмайди. Дунёнинг бирор-бир масканидаги мева-чевалар бизникичаки витаминларга бой эмас.

Кези келганда шуни таъкидламоқчиман, болалар муассасалари, мактаб ошоналари дабавот, мевалар кам, хали биз боламиз онгиде меърий овқатланиш маданиятини шакллантира олмаймиз. Қолаверса, болалар ошонасида пархез таомлар йўқ. Айниқса, қишлоқ жойларида аҳвол оғир. Сарик касалдан даволанган бола 6 ой қолди (гуруҳига қараб ҳар хил) 6 ой пархез сақлаши шарт. Улар мактабда камида 5-6 соат бўлади, натижада, бола оқ қолди ва мажбуран пархезини бузади. Бу соҳа мутахассислари масаланинг ечимини ўйлаб қўришлари керак. Соғлом, баркамол авлодини тарбиялаш ишига ҳар бировимиз маъсулмиз.

Суҳбатдош: Сандя САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «ROYTAXT AUCTION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН 2004 йилнинг 21,24,28,31 декабрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйиладиган: Чилонзор тумани, Ўзбекистон шўх кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қўрилиши академиясининг: — 1999 йида ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10А1 391 бўлган «Нексиа» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 2 974 514 сўм; — 1998 йида ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10А1 392 бўлган «Нексиа» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 2 601 199 сўм. Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхташилади. Савдодан соат 11.00 да бошланади. Савдодо қатнашиш истагани билдирган талабдорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридида закат пулини «ROYTAXT AUCTION» давлат унитар корхонасининг «Узўйжойжамгармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49. Гўвоҳнома № 000815

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ 2004 йил учун аспирантурага — 1 та ўринга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Танловга эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида ҳўжатлар қабул қилинади. Қўшимча ахборотларни 114-50-01 телефони орқали илмий кенгаш котибидан олиш мумкин. Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 3-уй.

На асосини Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан №376 от 06.08.2004 года «О преобразовании Государственно-акционерной корпорации «Уздоммахсўлот» в Акционерную компанию «Уздоммахсўлот» было проведено совместное внеочередное общее собрание ОАО «Чиноз дон» и ОАО «Тошкентдонмахсўлот» протокол №14 от 17.09.2004 года, в результате чего была произведена реорганизация ОАО «Чиноз дон» в форме присоединения к ОАО «Тошкентдонмахсўлот», в связи с чем все преференции принимаются в течении месяца.

